

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАСАНОВА ФЕРУЗА МИРЗАБЕКОВНА

**ХИТОЙ-БАЙХУА ТИЛИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК
ВА ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УЎК: 811.581
КБК: 81.2 (5 кит)
Х-31

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Ҳасанова Феруза Мирзабековна

Хитой-байхуа тилининг лексик-семантик ва грамматик
хусусиятлари 3

Ҳасанова Феруза Мирзабековна

Лексико-семантические и грамматические особенности
китайского языка байхуа 29

Khasanova Feruza Mirzabekovna

Lexico-semantic and grammatical features
Chinese baihua 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАСАНОВА ФЕРУЗА МИРЗАБЕКОВНА

**ХИТОЙ-БАЙХУА ТИЛИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК
ВА ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fil1295 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Акрамжон Абильевич
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Содиқов Қосимжон Позилович
филология фанлари доктори, профессор

Насирова Саодат Абдуллаевна
филология фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

Х.З. Алимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилни диахрон ва синхрон принциплари асосида тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифалари сифатида белгиланмоқда. Хитой тили қарийб қирқ асрлик тарихга эга бўлиб, бир тилнинг икки тармоғи вэнян ва байхуа тиллари тадрижий ривожланиш даврларини бошдан кечирган. Хитой тили грамматикаси, лексикаси ва фонетикаси билан боғлиқ жабҳаларда юзага келаётган ўзгаришлар кўплаб баҳсларга сабаб бўлмоқда ва ҳозирда муҳим амалий аҳамият касб этмоқда.

Дунё тилшунослигида вэняннинг тарихий одимлари турли ракурсларда тадқиқ этилмоқда. Бугунги кунда хитой тилининг кўш ҳодисаси: вэнян-байхуанинг нафақат грамматик қурилиши, балки услубий-методологик, семантик-прагматик, лингвомаданий, когнитив-концептуаллик каби хусусиятлари ўрганилишида муаммолар мавжудлиги аниқланган. Айни изланишлар байхуанинг лексик-грамматик шаклланиши, ривожланишидаги диахрон аспектлар масаласида ҳанузгача назарий бўшлиқ борлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда кенг миқёсда кечаётган ислохотларнинг янги даврида чет тилларини ўқитишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада ғарб тиллари билан бир қаторда шарқ тилларига ҳам эътибор ошмоқда. Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида ҳар томонлама муносабатлар ривожланиб, янги босқичга кўтарилмоқда. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил май ойида Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи катта ҳодиса бўлди. Ташриф чоғида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги фан, таълим ва маданият масалалари кўриб чиқилди. Президентимиз ўзбек халқининг Хитой билан дўстлик алоқалари ҳар икки мамлакат тили ва маданиятини ўрганишда муҳим восита эканлигини таъкидлаган. Шу муносабат билан Ўзбекистонда юқори даражали хитой тили мутахассислари ва таржимонларни етиштириш, хитой тили доирасида ҳар турли илмий тадқиқотлар олиб боришга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, «...Илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан биридир»¹. Айниқса, мамлакатимиз ва ХХР ўртасидаги кенг қамровли иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий ва илмий алоқаларнинг ривожланиб бораётганлиги бу тилни янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини кун тартибига қўйди. Ҳозирги хитой адабий тили путунгхуанинг пойдевори ҳисобланувчи байхуа тилини монографик планда диахрон аспектда ўрганиш, унинг эволюцион, функционал хусусиятларини тадқиқ этиш, лексикасининг бойиш омиллари, лексик-семантик ва грамматик хусусиятларини очиб бериш зарурати билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 сентябрдаги ПҚ-2228-сон «Тошкент давлат шарқшунослик институти таркибида хитойшунослик факультетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақида Олий Мажлисга Мурожаатномаси. www.uza.uz. 28-12-2018.

ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги шу номли 312-сон қарори ва ундаги «Илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш» вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хитой тилшунослигида хитой тилининг тарихий тараққиёти, уни даврлаштириш масаласи Ванг Ли, Люй Шусян, Сюй Ши-и, Ху Джу-ан, Дзян Лан-шэн, Джу Цинг-джи, Ху Шилар томонидан махсус ўрганилган². Бугунги кунга келиб хитой тилшунослигида хитой-байхуа тили ва унинг тарихини ёритишга қаратилган қатор тадқиқотлар ҳам мавжуд. Ушбу масала таҳлилига оид, айниқса, Ванг Ли (1980), Ху Жу-ан (1983), Дзян Ляншэн (2000), Сюй Ши-йи (2015)ларнинг илмий асарлари эътиборга молик. Жумладан, Ху Жу-ан хитой тилини даврлаштириш масаласига муносабат билдириб, қадимги хитой тили нафақат вэнян, балки байхуа тилини ҳам қамраб олиши ҳақида асосли хулосалар чиқарган³. Дзян Ляншэн эса «Қадимги байхуа ҳақида мулоҳазалар» номли монографиясида хитой тилининг 1919 йил «4 май ҳаракати»гача бўлган даврини қадимги хитой тили ва ушбу ҳаракатдан кейинги даврни эса ҳозирги хитой тилига ажратиш тўғри эмаслигини кўрсатган⁴. Люй Шусян «Хитой тили грамматикаси очерки» номли илмий рисоласида тилдаги даврий ўзгаришларни ёзма манбалар воситасида аниқлаш мумкинлигини қайд этиб, қадимги Хитой ёзма адабий тилини вэнян, оғзаки мулоқот тилини эса «白话文 bái huà wén – яъни кенг омма фойдаланадиган тил», яъни байхуа тили деб номлаган⁵.

Бугунги кунда хитой тилини илмий тадқиқ этиш бўйича нафақат хитой тилшунослари, балки айрим хориж ва юртимиз олимлари томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бернхард Карлгрен, Анри Поль Гастон Масперо, А.А.Драгунов, И.Т.Зограф, И.С.Гуревич, С.Е.Яхонтов, Л.К.Павловская,

²王力。汉语史稿。上册。中华书局，1980年；吕叔湘。《中国语法要略》，吕叔湘《语文论集》，商务印书馆，1983年；胡竹安。《中古白话及其训诂的研究》。《天津师范大学学报》，1983年；江蓝生。《古代白话说略》，语文出版社，2000年；朱庆之。中古汉语研究。商务印书馆。北京。2005年。；徐时仪。《汉语白话史》。北京大学出版社，2015年；

³胡竹安。《中古白话及其训诂的研究》。《天津师范大学学报》，1983年。

⁴江蓝生。《古代白话说略》，语文出版社，2000年。

⁵吕叔湘。《语文论集》，商务印书馆，1983年。

Д.А.Карпека, Д.Н. Воскресенский⁶ каби хориж хитойшунослари; М.Х.Махмудхўжаев, А.А.Каримов, И.Н.Бекмуратов, Ш.И.Шозамонов, Ж.Т.Зиямухамедов, С.А.Носирова, С.А.Хошимова, С.Т.Мустафаева, О.М.Очилов⁷ сингари юртимиз олимлари хитой тили лексикаси, грамматикаси, терминологияси бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Англашиладики, хитой тилини даврлаштиришда вэнян тили қаторида байхуа тилини ҳам инобатга олиш лозим. Қадимги Хитойда маълум муддат бир вақтда вэнян мумтоз адабий тили ва байхуа кундалик мулоқот тили муомалада бўлган бўлса-да, бу тилларда ёзилган манбалар грамматик ва стилистик жиҳатдан тубдан фарқ қилади. Бу ҳолат вэнян тили каби байхуа тилининг ҳам семантик-структур хусусиятлари, лексик таркиби ва ундаги даврий ўзгаришларни жиддий тадқиқ этишни тақозо қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Шарқ тилларининг лексикографик тадқиқотлари» мавзусидаги илмий йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хитой-байхуа тилининг лексик-семантик ва грамматик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хитой-байхуа тилининг юзага келиши ва тараққиёт босқичларини белгилаш, бу тилда яратилган илк ёзма ёдгорликларга тавсиф бериш;

ўрта давр вэнян ва байхуа тилларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрнини ёритиш;

⁶ Karlgren K.B.J. *Ordet och Pennan i Mittens Rike*. – Oxford, 1923. Reprinted 2007: Toronto: Global Language Press, ISBN 978-0-9738-9240-6; Maspero H. L. *Dialekte de Tch 'ang-ngan sous Les Tang*. – Paris: Imprimerie d' Extreme – Orient, 1990; Драгунов А.А. Исследования по грамматике современного китайского языка. Части речи. Т.1. – М., -Л., 1952; Зограф И.Т. *Официальный вэньянь*. – М.: Наука, 1990; Шу муаллиф. *Вэньянь и байхуа: взаимодействие двух форм изолирующего языка / Материалы конференции «Исследования»*. – М., 2008; Гуревич И.С. К характеристике языка памятников жанра *пинхуа* (平話) периода Сун-Юань // *Письменные памятники востока*. №1. – М.: Наука, 2004; Шу муаллиф. Роль письменных буддийских источников для исследований в области исторической грамматики китайского языка // *Розенберговский сборник. Востоковедные исследования и материалы*. – СПб., 2014; Яхонтов С.Е. *Литературный и разговорный китайский язык VII-XIII вв. н.э. Жанры и стили литератур Дальнего Востока / Тезисы докладов*. – М., 1966; Шу муаллиф. *Древнекитайский язык*. – М.: Наука, 1965; Павловская Л.К. *Пинхуа – народный исторический роман (На материале «Заново составленного пинхуа по истории пяти династий»): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук*. – Л., 1975; Карпека Д.А. *Сравнительная грамматика классического китайского языка вэньянь и современного литературного китайского языка путунгхуа*. – СПб: Восточный экспресс, 2020. – 27 с.; Воскресенский Д.Н. *Повествовательная проза на языке байхуа // Духовная культура Китая. Энциклопедия в 5 т. 2006. Т. 3. Литература. Язык и письменность*. – М., 2008.

⁷ Махмудходжаев М.Х., Туратова М.А. *Хитой тили тарихий фонологияси*. – Тошкент, ТДШИ, 2009; Каримов А.А. *Хитой тилида ҳисоб сўзлар (лексик-семантик, структур ва функционал таҳлил)*. – Тошкент: Фан ва технология, 2003; Шу муаллиф. *Хитой тили назарий грамматикаси*. – Тошкент, 2020 Насирова С.А. *Ҳозирги замон хитой тили ижтимоий-сиёсий терминологияси: Филол. фан. док.(Ds) ... дисс. автореф – Тошкент, 2020; Хашимова С.А. Ҳозирги хитой тилида редупликация, аффиксация ва конверсия: Филол. фан. док.(Ds) ... дисс. автореф – Тошкент, 2020; Шазаманов Ш.И., Бекмуратов И.Н. *Хитойда тил сиёсати ва вазияти (социолингвистик таҳлили)*. – Тошкент, 2016; Зиямухамедов Ж.Т. *Пу Сунглинг ва ўрта аср Хитой новеллалари*. – Тошкент: Чўлпон НМИУ, 2016; Мустафаева С.Т. *Хитой тилшунослик терминологияси: Филол. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008; Очилов О.М. VII-X асрлар Танг даври шеъриятида рамзлар семантикаси: Филол. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018.**

ҳозирги хитой тили грамматик қурилишининг байхуа тили қонуниятларига асосланишини далиллаш;

хитой-байхуа тили луғат таркибининг бойишига таъсир кўрсатган омилларни аниқлаш;

байхуа тилининг матбуотга кириб келиши ва ёзув масаласида амалга оширилган ислоҳотларни ёритиш;

байхуа тилининг «ўтиш даври»да ижод қилган ёзувчи Лао Шэ асарлари тилининг лексик-семантик ва грамматик хусусиятларини очиб бериш;

ҳозирги хитой адабий тили путунгхуанинг шаклланишида байхуа тилининг ролини илмий жиҳатдан асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида хитой-байхуа оғзаки мулоқот тили олинган.

Тадқиқотнинг предметини хитой-байхуа тилининг лексик-семантик ва грамматик хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифлаш, қиёсий-тарихий, статистик методлар; тилни даврлаштириш, лексик-семантик ва грамматик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хитой-байхуа тилининг юзага келиш даври, ривожланиш даври, байхуа тилининг етуклик даври ва байхуа тилининг «ўтиш даври» яъни, 1919 йил «4 май ҳаракати»дан то 1955 йилда хитой адабий тили - путунгхуага ўтилгунга қадар вақт оралиғида «ўтиш даври» бўлганлиги асосланган;

Хитой-байхуа тилида яратилган илк ёзма ёдгорликларга тавсиф берилиб, ушбу манбалар асосида ўрта даврлар вэнян адабий тили ва сўзлашув тили бўлган байхуа тилининг мумтоз адабий тил вэняндан полисиллабик бирликлар билан ифодаланишига кўра фарқ қилиши асосланган;

Хитой адиби Лао Шэ асарларида қўлланган лексик бирликлар мисолида байхуа тилининг икки ва ундан ортиқ иероглиф билан ифодаланган сўзларларнинг лексик-семантик хусусиятлари ҳамда асарда учраган тўрт ва ундан кўп иероглифдан иборат фрезоологик бирликларнинг лексикализациялашиш хусусиятлари очиб берилган;

Хитой-байхуа тили луғат таркибининг бойишига Чинг сулоласи давридан сўнг даврий нашрларда байхуа тилидан фойдаланишга ўтилганлиги сабаб бўлганлиги аниқланиб, ҳозирги хитой адабий тили – путунгхуанинг айнан байхуа тили негизида шаклланганлиги, путунгхуанинг грамматик қурилиши байхуа тили грамматик қоидаларига асосланиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хитой тили тарихи фани вэнян ва байхуа тилларига оид янги маълумотлар билан бойитилган;

вэнян ва байхуа тиллари лексикасини фарқлашга оид аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

байхуа тилининг ҳозирги хитой адабий тилининг шаклланишидаги амалий аҳамияти далилланган;

байхуа тилига оид тўпланган материаллар ва амалга оширилган таҳлиллар ўзбек хитойшунослигини амалий жиҳатдан бойитишга хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг тўғри қўйилганлиги, мавзуни ёритишда аниқ тил материалларига таянилганлиги, тадқиқот методларининг илмий мавзу моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланганлиги; олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хитой тилининг тарихий тараққиётини диахрон ва синхрон аспектда ўрганишда илмий-назарий манба вазифасини ўташи билан белгиланади. Шунингдек, келгусида хитой тилини бошқа тиллар билан чоғиштирма тадқиқотларида мумтоз хитой тили вэнян ва оғзаки мулоқот тили байхуа манбаларни танлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ўқув юртлари, хусусан, Тошкент давлат шарқшунослик университети хитойшунослик факультети, шарқ филологияси ва таржимашунослик факультетлари талабаларига «Хитой тили тарихи», «Хитой тили лексикологияси», «Хитой ёзуви асослари», «Хитой тилининг назарий грамматикаси», «Мутахассисликнинг назарий масалалари» каби фанлардан дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда, хитой тили масалаларига бағишланган махсус курс ва семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хитой-байхуа тилини лексик-семантик ва грамматик таҳлил қилиш бўйича олинган илмий натижалар ва хулосалар асосида:

хитой тилшунослигида «ўтиш даври»да амалга оширилган ёзув ислохотларига оид назарий хулосалар асосида 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (хитой тили) таълим йўналиши учун «Хитой тили (иероглифика)» ўқув қўлланмаси яратилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон қарори). Натижада ушбу таълим йўналишининг хитойшунослик соҳаси хитой ёзувининг юзага келиши, тараққий этиши, хитой алифболари ҳамда анъанавий ёзувдан иероглифларнинг қисқартирилган шаклига ўтилиши, ёзув ислохотлари, ҳақидаги маълумотлар билан бойитилган;

ўзбек халқи тарихий шахслари ҳамда жой номларини хитой тилида тўғри таржима қилиш бўйича олинган хулосалардан Хитой Халқ Республикаси Шимоли-ғарбий миллатлар университети академик тадқиқотлар бўлими томонидан халқаро лойиҳа доирасида яратилган «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» китобини хитой тилига таржима қилишда фойдаланилган (Хитой Халқ Республикаси Шимоли-ғарбий миллатлар университетининг 2020 йил 4 декабрдаги маълумотномаси). Натижада китобда келтирилган ўзбек тарихий шахслари ҳамда жой номларини ифодаловчи лексик бирликларнинг хитойча манбаларда хилма-хиллиги, уларнинг лексик-семантик ҳамда функционал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда хитой тилида тўғри ифодаланишига эришилган;

хитой-байхуа тилининг лексик хусусиятлари, грамматик қурилиши бўйича олинган хулосалардан Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги Конфуций номидаги ўзбек-хитой институтининг илмий йўналишлари ҳамда хитой тили назарий грамматикасини ўргатишда фойдаланилмоқда (Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги Конфуций номидаги ўзбек-хитой институтининг 2020 йил 12 октябрдаги 5-сон маълумотномаси). Натижада хитой адабий тили тарихи, унинг шаклланиши ва такомиллиги, хитой-байхуа тилининг лексик-семантик ва грамматик хусусиятлари бўйича тингловчиларда мукамал маълумот ҳосил бўлишига хизмат қилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза шаклида баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 20 та илмий мақола нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (4 таси республика, 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 152 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик ҳолати ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари тавсифланган; олинган натижаларнинг назарий, амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқотнинг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Хитой-байхуа тилининг юзага келиши ва такомиллиги**» деб номланган биринчи бобида байхуа тилининг юзага келиши, тараққиёти масаласи ёритилган, бу тилда ёзилган илк ёзма ёдгорликлар ўрганилиб, уларга тавсиф берилган. Бобнинг биринчи бандида қадимги хитой тили тармоқлари: вэнян ва байхуа тилларининг шаклланиши, жамият ҳаётида тутган ўрни ҳамда хитой тилини даврлаштириш масаласи таҳлил қилинган.

Ҳар бир тил каби байхуа тили (白话 báihuà)нинг ҳам шаклланиш тарихи мавжуд. Хитой тилшуноси Люй Шусян «Хитой тили грамматикаси очерки» номли асарида маълумот беришича, Хитойда 周 Жоу ва 秦 Цин даврига келиб, ёзув ва оғзаки нутқ орасида узилиш пайдо бўлган. Натижада 文言文 wényánwen ёзма адабий тили вужудга келган, бу тил «古文 gǔwén (эски ёзма адабий тили)» деб ҳам номланган. Оғзаки мулоқот тили эса 白话文 báihuàwén (кенг омма фойдаланадиган тил) деб аталган⁸. Бу хулоса бошқа олимлар томонидан

⁸吕淑娴。中国语法要略。商务印书馆出版社。1956年。26-27页。

ҳам қайд этилган⁹. Кўринадики, шу даврда қадимги хитой тилининг икки тармоғи: 文言 wén yán ва 白话 bái huà тиллари юзага келган.

Қадимги вэнян адабий тили Чин сулоласидан олдинги даврдаги (эр.ав. 770-221 й.) хитой сўзлашув тилига асосланган тил саналади¹⁰. М.Махмудходжаев вэнян тилига қуйидагича тавсиф берган: «Вэнян – милоддан аввалги VII-VI асрдан то 1919 йил 4 май ҳаракатигача (ҳаммаси бўлиб 27 аср атрофида) ишлатилган. 文言文 wényánwén вэнян сўзи-нинг лексик-семантик таҳлилидаги биринчи 文 wén – «ёзма тилда ёзилган мақола» маъносини билдиради. 言 yán – тавсифламок; ёзмок, акс эттирмак маъносини беради. Охирги 文 wén – асар, мақола каби маъноларни билдиради. 文言文 wényánwén – бу ёзма тилда мақола ёзмок тарзида таржима қилинади. Демак, 文言文 wényánwén – бу ёзма адабий тили»¹¹.

С.Мустафаеванинг қайд этишича, вэнян тили Хан сулоласи давридан кейин секин-аста оғзаки тил шаклидан узоқлашиб борган, айниқса, 唐 Танг 宋 Сунг сулолалари давридан бошлаб вэнян ва оғзаки мулоқот тил ўртасидаги тафовут анча катта бўлган. XX аср бошларида, «4 май ҳаракати»дан кейин унинг ўрнини «白话 bái huà» байхуа эгаллаган¹².

Ж.Зиямухамедов ҳам вэнян – классик хитой ёзма адабиёти тилининг 1919 йилгача Хитойда ҳукмрон тил бўлиб келганлиги, ҳозирги замонда унинг ўрнини байхуа – замонавий ёзма адабий тили (умумий миллий ёзма тил) эгаллаганлигини эътироф этади¹³.

Англашиладики, вэнян тили нафақат қадимий тил, балки мумтоз хитой адабий тили бўлган. Хитой мумтоз адабиёти айнан вэнян тилида ёзилган. Аммо вэнян тили қадимий тил бўлса-да, жамият ҳаётида рўй берган ўзгаришлар унинг лексикасида акс этмаган. Байхуа тили эса давр билан ҳамнафас тарзда ўзгариб борган ва сайқаллашган. Бу тилни ўша давр ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни акс эттирган оғзаки мулоқот тили сифатида баҳолаш мумкин. Шуниси характерики, жамиятда байхуа тили вэнян тили билан бир вақтда муомалада бўлган. 1919 йилдан эътиборан расман байхуа тилига ўтилган. Бир тилнинг икки тармоғи ёзувда ҳам бирдек анъанавий иероглифлар билан акс эттирилган.

Қадимги вэнян ва байхуа тиллари нафақат қўлланиш доираси, балки лексик-грамматик жиҳатдан ҳам жиддий фарқланган. М.В.Софроновнинг қайд этишича, вэнян тилининг лингвистик асоси қадимги хитой тилидир, байхуа тилининг лингвистик асоси эса ўрта асрлар хитой тили ҳисобланади¹⁴. Бундай дейилишига асосий сабаб ўрта асрларга қадар байхуа тили фақат оғзаки шаклда мавжуд бўлган, бу тилдаги барча жанрларга хос манбалар ўрта асрларга келиб ёзма шаклда битилган. Ўрта асрларга етгунга қадар байхуа тили фақат оғзаки нутқда мавжуд бўлиб, айнан шу давр манбаларига вэнян тили элементлари кам

⁹ Norman J. Chinese. – Cambridge: Cambridge University Press, 1988; Зограф И.Т. Вэньнянь и байхуа: взаимодействие двух форм изолирующего языка // Письменные памятники Востока. №1(8). – СПб., 2008.

¹⁰ 杨寄林·中国中小學生百科全书：哈尔滨出版社·1995。54页。

¹¹ Махмудходжаев М.Х., Туратова М.А. Хитой тили тарихий фонологияси. – Тошкент, ТДШИ, 2009. – Б. 46.

¹² Мустафаева С.Т. Хитойча-ўзбекча тилшунослик терминлари изоҳли луғати. – Тошкент, ТДШИ, 2014. – Б. 96.

¹³ Зиямухамедов Ж. Пу Сунглинг ва ўрта аср Хитой новеллалари. – Тошкент: Чўлпон НМИУ, 2016. – Б. 60.

¹⁴ Софронов М.В. Китайский язык и китайское общество. – М.: Наука, 1979. – С. 62.

аралашган. Маълум бўладики, байхуа ва вэнян тиллари бир даврда муомалада бўлган бўлса-да, бир-биридан жиддий фарқ қилган.

Қадимги хитой тилини даврлаштиришда турли ёндашувлар кузатилади. Айрим олимлар хитой тилини фонетик хусусиятлари асосида даврларга ажратишса, бошқалар грамматик қурилишига кўра даврлаштиришни маъқул кўришади. Аммо даврлаштиришда хитой тилининг вэнян ва байхуа тил тармоқларини инобатга олмаслик мумкин эмас.

Дзян Ланшенг «古代白话说略» («Қадимги байхуанинг асосий тавсифи») номли асарида таъкидлашича, «қадимги байхуа билан хитой тили тарихини даврлаштиришда узвий боғлиқлик бор. Узоқ даврлар давомида олий таълим муассасаларида хитой тили фақат «қадимги хитой тили» ва «ҳозирги хитой тили»га ажратиб ўқитиб келинади. «4 май ҳаракати»дан олдинги даврга оид тил «қадимги хитой тили» деб аталади. Бу таснифда вэнян ва байхуа тиллари орасидаги фарқ эътиборга олинмаган, хитой тили тадрижий ривожининг тарихий босқичлари аниқ ажратиб кўрсатилмаган, шунга кўра бу даврлаштириш илмий аҳамиятга эга эмас»¹⁵.

Хитой тилшуноси Ванг Ли «汉语史稿» («Хитой тили тарихи») ¹⁶ номли асарида қадимги хитой тилини уч даврга ажратган: қадимги давр, ўрта асрлар даври ва замонавий давр. Хитой тилининг қадимги даври эрамизнинг аввалги давридан то эрамизнинг III асри охиригача; ўрта асрлар даври эрамизнинг IV асридан XII асргача бўлган даврни, ҳозирги хитой тили даври XII асрдан шу кунгача бўлган даврни ўзи ичига олади.

Сюй Ши-и асарларида вэнян ва байхуа тилларининг лексикаси кескин фарқ қилишига эътиборини қаратиб, даврлаштиришда фақат байхуа тилини инобатга олиш лозимлигини қайд этади. У қадимги хитой тилини байхуа тили асосида қуйидагича даврлаштирган: 1. Байхуа тилининг вужудга келиш даври (露头) – 秦 Цин ва 汉 Хан давридан то 唐 Танг давригача, яъни эрамиздан аввалги 207 йилдан эрамизнинг 618 йилигача бўлган давр. 2. Байхуа тилининг ривожланиш даври (发展) – 唐 Танг давридан 明 Минг давригача, яъни 618 йилдан 1368 йилгача бўлган давр. 3. Байхуа тилининг етук даври (成熟) – 明 Минг давридан 清 Чинг даври сўнгигача, яъни 1368 йилдан 1911 йилгача бўлган давр¹⁷.

Эрамиздан аввалги III асрдан бошлаб байхуа тилида ёзиб қолдирилган адабий манбалар: бянвенлар, хуабен ва пингхуалари, джугонгдяолар, задзюй, юйлу¹⁸ ва романлар таҳлили асосида бу тилни уч даврга ажратамиз: 1) байхуа

¹⁵江蓝生。《古代白话说略》，语文出版社，2000年，第7页。

¹⁶王力。《汉语史稿》。上册。中华书局，1980年，第5页。

¹⁷徐时仪。《汉语白话史》。北京大学出版社。2015年，36页。

¹⁸变文 biànwén – бирон ҳикоя ёки тарихий воқеанинг оғзаки баёни. Ушбу жанрда ҳикоянинг назмий қисмини кўшиқ қилиб куйлаб, насрий қисмини сўзлаб бериш кўзда тутилади. Бянвен жанрида ёзилган манбаларга буддавийлик динига оид ҳикоялар, тархий воқеалар ва фольклор намуналари мансуб. Илк бянвенлар Цин даврида Дунхуан ғорларидан топилган. Улар Дунхуан бянвенлари деб номланган; 宋元话本 Sòng Yuán huàběn – Сунг Юан сулолалари даври хуабенлари. Бу жанрда ҳикоялар оғзаки тарзда баён қилинган, шунингдек, соялар театри, кўғирчоқ театри ҳам хуабен жанрига мансуб бўлган; 平话 pínghuà - пинхуа Сунг даврида урф бўлган, бадий асар ёки тарихий воқеани ифодали гапириб бериш (насрий баён)дир; 金元诸宫调 Jīn yuán zhū gōngdiào - Дзин Юан сулосаси давридаги джугонгдяолар бўлиб, пипа мусикий асбоби жўрлигида бирон ҳикояни кўшиқ

тилининг вужудга келиш даври – эрамиздан аввалги 207 йилдан эрамизнинг 618 йилигача бўлган давр; б) байхуа тилининг ривожланиш даври – 618 йилдан 1368 йилгача бўлган давр; в) байхуа тилининг етук даври – 1368 йилдан 1911 йилгача бўлган давр.

Хитой-байхуа тилининг лексик-грамматик хусусиятларини ушбу тилнинг вужудга келиш босқичида яратилган пингхуа, бянвен, юйлу ва роман жанридаги матнлар асосида ўрганиш мумкин. Ушбу манбалар байхуа тилининг тарихий таракқиёти, хусусиятлари ва вэнян тилидан фарқли жиҳатларини ўрганишда муҳим материал бўлиб хизмат қилади.

Бобнинг иккинчи бандида байхуа тилида яратилган ёзма манбалар ва уларнинг тил хусусиятлари ёритилган. Қадимги байхуа тили манбалари Танг сулоласи давригача бўлган халқ оғзаки ижоди намуналарини ўз ичига олади¹⁹. Ушбу ёзма ёдгорликларнинг тил хусусиятларига оид икки жиҳатни алоҳида таъкидлаш жоиз: биринчидан, бу ёдгорликлар матнини ўқишда қийинчиликларга дуч келинади. Иккинчидан, матнлар услуби айнан ўша даврга хос бўлиб, кейинги давр тил услубидан кескин фарқ қилади.

Байхуа тилида ёзилган ёзма ёдгорликлардан бири *Дунхуан бянвэнларидир*. Бу ёдгорлик Танг сулоласи даврида (618-907 й.) ёзилган, Хитойнинг шимоли-ғарбий худудидаги Дунхуан шахридан топилганлиги боис шу ном билан аталган. Дунхуан бянвэнларида вэнян тили элементлари аралашган, бироқ юйлу жанридаги манбаларда вэнян тилидан ўзлашган сўзларнинг миқдори камлиги кузатилади.

Бянвэнлар роҳиблар томонидан будда аҳкомларини тўлалигича, унинг изчиллигига қатъий риоя қилган ҳолда ҳикоя қилинадиган матнлардир. Матн «Сутрада шундай дейилади» гапи билан бошланади ва сутрадан парча келтирилади. Кейин бу парча насрда тушунтириб берилади, шундан сўнг шеърий шаклда такрорланади. Бу жиҳатдан бянвэнлар аслиятни тақдим этиш услубига кўра оғзаки ижодга яқин туради²⁰. Англашиладики, қадимги хитой - байхуа тилида ёзилган Дунхуан бянвэнлари алоҳида ўрин тутган.

Байхуа тили тарихи бўйича амалга оширилган тадқиқотларни ўрганиш асосида байхуа тили манбаларини қуйидагича умумлаштириш мумкин: 1) оғзаки нутқдан ёзиб олинган бадий асарлар, масалан, Дунхуан бянвэнлари, Сунг Юан сулоалари даври (960-1368 й.) хуабенлар ва пингхуалар, Дзин Юан (1115-1368 й.) сулоласи даврига мансуб джугонгдяолар, Юан сулоласи даври (1271-1368 й) задзюйлари, Минг Чин (1368-1911 й.) даври байхуа романлари; 2) маълум бир эҳтиёж учун айна бир давр оғзаки нутқидан ёзиб олинган аниқ манбалар: неоконфуцийчилик юйлулари, буддавийлик юйлулари, дипломатик ёзувлар, суд ҳужжатлари, суҳбат баёнлари; 3) айрим вэнян тилида ёзилган асарлар ичида қўлланган байхуа тили материаллари.

қилиб айтиш санъатидир; 元杂剧 Yuán zájù - Юан даври задзюйлари Сунг даврида юзага келган ва Юан даврида кенг тарқалган жанрлардан биридир. Унда ўша даврга мансуб ёзувчиларнинг асарлари куйлаб ижро этилган, Юан драмаси номи билан ҳам аталган; 语录 yǔlù - юйлу ёзиб олинган нутқ. Буддавийлик дини аҳкомлари баёни – юйлулар, асосан, Будда динининг Хитойда ёйилиши ва тарғиб этилиши билан боғлиқ. Шимолий Сун даврида дипломатик музокаралар олиб боришда юйлу мулоқот воситаси ҳисобланган.

¹⁹徐时仪。《汉语白话史》。北京大学出版社。2015年，31页。

²⁰Зиямухамедов Ж.Т. Пу Сунглинг ва ўрта аср Хитой новеллалари. – Тошкент: Чўлпон НМИУ, 57-бет.

Диссертацияда пингхуа жанрида ёзилган «新编五代史平话» («Қайта тикланган беш сулола тарихи пингхуалари») манбаси ва унинг таркибидаги асарлар ўрганилиб, байхуа тили хусусиятларига тавсиф берилган. Жумладан, «武王伐紂平话» («У қиролининг Чжоуга қарши кураши ҳақида пингхуа») асарида вэнян тили элементлари устувор, байхуа тилига хос хусусиятлар кам учрайди. Масалан, байхуа тилидаги 这 кўрсатиш олмоши ўрнига 此 олмоши ишлатилган. Вэнян тилидаги иккинчи шахс кишилик олмоши 卿, учинчи шахс кишилик олмоши 之 фаол қўлланган. Бундан ташқари 何 сўроқ олмоши иштирокида тузилган 若何(қандай), 如何(қандай) 何如(қай тариқа) 何人(ким) каби сўроқ сўзларининг учраши; «...да», «ичида» маъноларини ифодалашда 里 ўрнида 内 қўшимчасининг ишлатилиши матнда байхуа тили элементларининг вэнян тили элементларига нисбатан кам қўлланганлигини кўрсатади²¹. Асар матнининг кейинги беш саҳифасидан вазият ўзгариб боради, унда байхуа тили элементлари кўзга ташланади. И.С.Гуревич ушбу пингхуанинг 6-,7-,18-, 68-қисмларида 了 морфемаси кўпроқ учраши, феъл замонини ифодаловчи 着 морфемаси ҳам натижани кўрсатувчи, ҳам ҳолатни кўрсатувчи модификатор вазифасида келганлигини қайд этган²².

Матнда 着 морфемаси иштирокида ясалган феъл шакллари, асосан, ҳаракат натижасида юзага келадиган ҳолатни ифодалаб келган. Ушбу морфема *zhao* тарзида талаффуз этилган. Ҳозирги хитой тилида эса мазкур морфема ҳолатни ифодалашдан ташқари натижавий феълни ҳам англатади. Ҳолатни ифодалашда *zhe* тарзида, натижа феъли вазифасида *zhao* тарзида талаффуз қилинади. Я.Прушек ушбу морфеманинг талаффузи ҳақида қуйидаги фикрни билдирган: «Қадимги хитой тилида *zhe* ва *zhao* морфемалари фарқланмаган, ушбу морфема *zhao* тарзида талаффуз этилган»²³.

Пингхуа матнларида олмошларнинг қўлланишида ҳам ўзига хос жиҳатлар кузатилади: 1) ёзма манбалар матнларида 我 биринчи шахс кишилик олмоши, асосан, қариндош-уруғчилик атамалари билан бирикиб, 俺 тарзида қўлланган: 俺爷爷 (менинг бобом), 俺父 (менинг отам), 俺女婿 (менинг куёвим) каби; 2) иккинчи шахс кишилик олмоши 你 нинг хурмат шакли 您 ўрнига 恁 ишлатилган; 3) ўзлик олмоши 咱 *z* (ҳозирги хитой тилидаги 自己 сўзи) «ўз», «ўзим» маъноларини англатувчи олмош бўлиб, 咱每 (ўзимиз), 咱每生 (хар биримиз) тарзида қўлланган; 4) жонсиз предметларга нисбатан сўроқни ифодалашда (ҳозирги хитой тилидаги 什么)甚, 甚底, 甚的, 甚麽 олмошлари қўлланган, 甚麽 сўроқ олмоши эса ҳозирги хитой тилидаги 什么 нинг ўзидир.

Қадимги байхуа тилида ёзиб қолдирилган манбалардан яна бири «太子須達拏經» («Судана шаҳзодаси ҳақида сутра»)нинг хитой тилига таржимасидир. Ушбу ёзма ёдгорликнинг тил хусусиятларини ўрганиш асосида қадимги хитой-

²¹Бу ҳақда қаранг. Гуревич И.С. К характеристике языка памятников жанра пинхуа (平话) периода Сун-Юань // Письменные памятники востока. №1. – СПб: Наука, 2004. – С. 112.

²² Ўша манба.

²³ Prushek J. Quelques remarques sur les aspects en chinois // Archiv Orientalni, 1950. Vol. 18. № 1-2.

байхуа тилининг грамматик қонуниятлари, таракқиёти, унда рўй берган ўзгаришлар ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Жумладан, қадимги хитой тилида айрим феъллар давр ўтиши билан олд кўмакчи функциясини бажарган, натижада мавжуд олд кўмакчилар муомаладан чиқиб кетган²⁴. Феълларнинг грамматикализация натижасида олд кўмакчига ўтганлигини пайқаган тадқиқотчилар олд кўмакчиларни «次动词» («иккинчи даражали феъл») ёки «副动词» («ёрдамчи феъл») терминлари билан ҳам ифода этишган²⁵.

Диссертацияда 从 («...дан»), 在, 向, 共 олд кўмакчиларининг қадимги манбаларда қўлланилиши билан боғлиқ хусусиятлари ҳам очиб берилган.

Х асрга оид байхуа тилида битилган манбаларда феълнинг замон кўрсакичлари ҳақида ҳам маълумот олиш мумкин. Бу манбаларда 是 боғловчи феъли, 着, 了 феълларининг замон кўрсаткичлари қўлланиши кузатилади²⁶.

Яна бир характерли жиҳат ҳозирги путунгхуа тилидаги аниқловчининг «...ган» шакли ёки «...нинг» эгалик қўшимчасини ифодаловчи 的 морфемаси қадимги байхуа манбаларида 底 морфемаси билан берилган²⁷.

Ёзма манбаларда 家 морфемаси ва кўплик 们 қўшимчасининг ҳам фаоллиги кузатилади. 家 олмош ва от сўз туркумларининг бирлик шаклини, 们 кўплик шаклини ҳосил қилади. Ҳар икки ёрдамчи морфема олмош ва от сўз туркумини ифодалашда қўлланилади. Масалан: 我家 (мен); 你家 (сен); 自家 (ўзим), 咱 (ўз); 主家 (хўжайин); 富人家 (бой); 公们 (жаноблар) кабилар.

Қадимги байхуа матнларида 家 морфемасидан ташқари 人, 夫, 师, 儿 морфемалари от сўз туркумидаги морфологик шаклларни ҳосил қилишда иштирок этади. Масалан, 贫人 (камбағал одам); 仙人 (донишманд одам); 妇女人 (аёл киши); 贼人 (ўғри одам); 商人 (савдогар) кабилар.

Диссертацияда қадимги ёзма ёдгорликлар матнида қўлланган от, феъл, сифат, сон, равиш, олмош каби сўз туркумларининг қўлланиш хусусиятлари, ясаилиши масаласи таҳлил қилинган. Жумладан, жонли предметларни ифодаловчи отларнинг 人, 夫, 士, 家 каби от ясовчи суффикслар билан ясалганлиги ёки қариндош-уруғчиликни англатувчи отларда 阿 ва 老 префиксларининг қўлланиши кабилар аниқланган ва ҳоказо.

Қадимги Хитойда тахминан XIV асрларга келиб янги адабий жанр – 小说 (ривоят насри) жанри юзага келган. Бу жанрда ёзилган асарларда ривоят насрига шеърӣ парчаларни киритиш орқали асар мазмуни янада бойитилган. Бу янги жанр «评话» (пингхуа) жанридаги айрим хусусиятларни ўзида сақлаб қолган. Хусусан, пингхуа жанридаги асар боблари «сафар» сўзи билан номланган («биринчи сафар», «иккинчи сафар» тариқасида). Ҳар бир боб ўз

²⁴ Бу ҳақда қаранг. Гуревич И.С. Предлоги в китайском языке III–V вв. н.э. // Страны и народы Востока. Вып. XI. – М.: Наука, 1971. – С.198.

²⁵ 李佐丰. 《古代汉语语法学》。北京。2013年, 203页。

²⁶ 徐时仪. 《汉语白话史》。北京大学出版社。2015年, 25页。

²⁷ Гуревич И.С. Текст «Сан чаобэймэн хуй бянь»: еще одна разновидность юйлу // Письменные памятники Востока. – №1(6). – СПб: Наука, 2007. – С.113.

навбатида «сафар» сўзи билан тугалланган. «Кейинги бобда нима ҳақда сўзланиши ҳақида келаси сафар баён этамиз» тарзида бобга яқун ясалган²⁸.

Хуллас, ўрта аср байхуа тилида кўплаб ёзма манбалар битилган. Улар тилининг соддалиги, равон ва оммага тушунарли бўлганлиги билан ажралиб турган. Айниқса, Сунг сулоласи даврида яратилган асарлар халқ оғзаки ижодининг бетакрор намунаси сифатида ёзма адабиётнинг ривожланишида муҳим ўрин тутган.

Бобнинг учинчи бандида Ванг Лининг тадқиқотлари мисолида ҳозирги хитой тили грамматикасининг яратилишида байхуа ёзма манбаларининг ўрни масаласи ёритилган.

Ўрта давр қадимги Хитойда яратилган ёзма манбалар нафақат бу даврнинг тил хусусиятларини ўрганишда, хитой тили грамматикасининг ушбу манбалар асосида яратилишида ҳам муҳим ўрин тутди. Жумладан, Ванг Лининг «中国现代语法» («Ҳозирги хитой тили грамматикаси») номли асари байхуа тилида битилган «红楼梦» («Қизил кўшкдаги туш») романи таҳлили асосида ёзилган. Ушбу асарда хитой тилида сўз туркумлари, сўз ясалиши, ёзув масаласи ва тарихий фонология бўйича қимматли хулосалар берилган.

Ванг Ли хитой тилида бўғин, сўз, сўз бирикмаси ва сўз ясалиши масаласига ҳам тўхталиб ўтган. Унинг фикрича, «马 (от, ҳайвон) бўғин ва бир вақтнинг ўзида сўз ҳисобланади; 马车 (от арава) икки маънони англатувчи бўғинлардан иборат (马 – от + 车 – арава) сўзлар бўлиб, сўз бирикмасини ҳосил қилади. 车子 (арава) сўзи ҳам икки бўғиндан иборат бир сўз (车 – арава + 子 – от ясовчи суффикс, бундан ташқари «ўғил» маъноси ҳам бор), аммо сўз бирикмасини ҳосил қила олмайди. Хитой тилида сўз ва сўз бирикмасини ажратиб берувчи мезон бор. Ҳар қандай маъно англатувчи бўғин орасига бирон бошқа лексик бирлик қўйиш мумкин бўлсагина, у сўз бирикмаси бўла олади, агарда икки бўғинли сўз орасига бошқа бирлик қўйилмаса, демак, у бир сўздир»²⁹.

Ванг Ли «红楼梦» («Қизил кўшкдаги туш») романида қўлланган икки бўғинли сўзларнинг ясалиш усулларини батафсил ёритган. У бундай сўзларни қуйидаги гуруҳларга ажратган: 1) икки антонимдан иборат бўлган сўзлар; 2) сўз таркибига иккинчи сўзнинг сингиши натижасида ҳосил бўлган сўзлар; 3) иккита бир бўғинли сўзнинг маъно жиҳатидан бирлашиб кетиши натижасида ҳосил бўлган сўзлар.

Ванг Ли сўз ясалишининг юқоридаги уч туридан ташқари редупликация усулини ҳам келтирган³⁰. Бу усулда иккиланган от сўз туркумига мансуб сўзлар, асосан, «ҳар бир» ёки «ҳаммаси, барчаси» маъноларини англатади. Масалан: 家家 (ҳамма), 字字 (ҳаммаси).

²⁸ Зиямухамедов Ж.Т. Хитой адабиётида «说书» жанрининг пайдо бўлиши ва тараққиёти // «Ўзбек ва шарқ халқлари адабиётида эпик анъана: миллий талқин масалалари» мавзусидаги халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент: ТДШИ, 2014. – Б.62-64.

²⁹ 王力。《中国现代语法》。中华书局。北京。2014年，69页。

³⁰ 王力。《中国现代语法》。中华书局。北京，2014年，28页。

Ванг Ли хитой тилида сўзларни туркумлашда синтактик тамойилни мутлақлаштиришга қарши бўлган. У «汉语词汇史» («Хитой тили лексикаси тарихи») китобида хитой тилидаги сўзларни уларнинг лексик маъносига асосланиб, шу билан бирга, синтактик функцияларини ҳам эътиборга олган ҳолда туркумларга ажратган. Ванг Ли бунда семасиологик, синтактик ва морфологик тамойилларга асосланди. Хитой тилида флексив морфология ривожланмаганлиги сабабли морфологик мезон унинг тадқиқотларида охириги ўринни эгаллади.

Ванг Ли кузатувлари асосида байхуа тилида нисбатан аниқ маънони ифодаловчи сўз туркуми сифатида отни қайд этади. У отларнинг кўп қисми аниқ ҳис қилинадиган нарсалар-предметлар: 猫 (мушук), 狗 (кучук), 衣 (кийим), 鞋 (пойабзал)ни англатиши, бироқ ҳис қилинмайдиган, фақат кўриш мумкин бўлган нарсалар ҳам (雾 туман), 雷 (момақалдирок), 风 (шамол) от сўз туркумига мансублигини таъкидлайди³¹.

Ванг Ли сон туркумини алоҳида сўз туркумига киритган. Қадимги хитой тилида от ва соннинг бирикуви бир сўз билан ифодаланган. Масалан, «бир қуш» маъносидаги 一鸟 сўзи 隻 zhī сўзи билан ифода этилган. «Иккита қуш» маъносини ифодалаш учун 二鸟 эмас, 雙 сўзи танланган. Кейинги даврларда сон от сўз туркумидан алоҳида ажралиб чиққан, сонни ифодаловчи сўзлар кўриб, ҳис қилиб бўлмайдиган микдорни ифодалай бошлаган³². Ванг Ли шу каби аниқлик даражасига эга бўлган сон, сифат ва феълларни ҳам «мавҳум маъноларни англатувчи сўзлар» деб таърифлаган. Унинг фикрича, сон, сифат ва феъллар яқка ҳолда қўлланганда мавҳум маъноларни англатади, бироқ от сўз туркуми билан бирикма ҳосил қилганда аниқ маънони ифодалайди. Шунга кўра ушбу сўз туркумлари мустақил сўз туркумларига киради³³.

Хитой тилшунослигида 是 (...моқ; бўлмоқ) ва 非 (бўлмаслик) бирликлари, одатда, феъл сўз туркумига киритилади. Бироқ ушбу икки грамматик шакллар маъносига кўра фарқланади. Ванг Лининг қайд этишича, ушбу икки сўзни феъл деб ҳисоблаш нотўғри, чунки бу сўзлар реал бир ҳаракатни ифодаламай, субъект ва предикат орасида алоқанинг мавжудлигини кўрсатади. Масалан: 孔子是圣人 (Конфуций донишманд). Бунда 孔子 (Конфуций) – субъект, 圣人 (донишманд) – предикат, 是 сўзи эса булар орасидаги боғловчи восита ҳисобланади. Шу жиҳатдан Ванг Ли 是 (...моқ; бўлмоқ) ва 非 (бўлмаслик) сўзларини «ярим ёрдамчи сўзлар» деб атайди³⁴.

Хитой тилида 很 (жуда), 颇 (ўта), 都 (буткул; ҳаммаси), 只 (фақат), 才 (эндигина), 忽 (тўсатдан), 渐 (аста), 再 (яна), 必 (албатта), 又 (қайта), 不 (йўқ; эмас), 未 (эмас) бирликлари нафақат бирон предметни ифодалайди, балки отлар билан бирикма ҳосил қилиб ҳам, аниқ тушунчани англатмайди. Бу каби сўзлар равишлар бўлиб, уларни «яриммустақил сўзлар» ҳисоблаш мумкин.

³¹ Кўрсатилган манба.

³²王力。《中国现代语法》。中华书局。北京，2014年，46页。

³³王力。《中国现代语法》。中华书局。北京，2014年，40页

³⁴王力。《中国现代语法》。中华书局。北京，2014年，47页。

Чунки улар соф ёрдамчи сўзлардан фарқли тарзда ҳаракатнинг интенсивлиги, вақти, инкори маъноларини ифодалайди³⁵.

Ванг Лининг қайд этишича, хитой тилидги 我 (мен), 你 (сен), 他 (у), 这 (бу), 那 (анави), 这么 (шундай), 怎么 (қандай) бирликлари яримёрдамчи сўзлардир. Чунки улар алоҳида олинганда на предмет, на сифат ва на ҳаракатни ифодалайди, бироқ от, сифат ва феъллар ўрнида қўллана олади. Бундай сўзларни олим 代词 олмошлар деб атайди.

Хитой тилида ёрдамчи сўз туркумларидан ташқари грамматик кўрсаткичлар деб аталувчи морфемалар ҳам мавжуд. Ушбу морфемалар сўзнинг қайси сўз туркумига тегишлилигини ёки турли вазифасини ифодалаш учун қўлланилади. Масалан, 儿 ва 子 морфемалари от сўз туркумини (梨儿 нок, 梨子 олхўри), 们 морфемаси кўпликни, 的 морфемаси аниқловчини ифодалайди.

Хуллас, Минг ва Чинг сулолалари даврида байхуа тилида ёзилган манбалар ҳозирги хитой тили грамматикасининг яратилишида муҳим ўрин тутган. Бу даврда яратилган «水浒传» («Дарё ўзанлари»), «三国» («Уч шоҳлик»), «西游记» («Ғарбга саёҳат»), «红楼梦» («Қизил кўшкдаги туш») каби асарлар қадимги байхуа тилининг тил хусусиятларини намоён қила олади. Ушбу бадиий асарларнинг тили жуда бой, шевага хос ранг-барангликни озми-кўпми даражада сақлаб қолганлиги боис хитой тили грамматикасининг яратилишида тил манбаси вазифасини ўтай олади.

Диссертациянинг «**Хитой-байхуа тили лексикасининг бойиш омиллари ва ёзув масаласи**» деб номланган иккинчи бобида байхуа тили лексикасининг матбуотга кириб келиши ва ёзувдаги ислохотлар, байхуа тили лексикасининг ўзига хос хусусиятлари, бойиш манбалари; байхуа тили лексик бирликларининг синтактик конструкцияларни ҳосил қилиши каби масалалар ўрганилган. Бобнинг биринчи бандида байхуа тилининг матбуотга кириб келиши ва ёзувдаги ислохотлар масаласи ёритилган.

Ўрта асрларда байхуа тилининг жамият ҳаётига кенг кириб бориши, аввало, эрамиздан аввалги II асрда яратилган пингхуалар, Танг сулоласи давридаги новеллалар, Минг ва Цинг сулолалари даврида ёзилган романлар билан боғлиқ. Байхуа тилининг Хитой матбуотига кириб келиши узоқ вақтни деярли қисқа муддатда амалга ошган. Синхай инқилобидан сўнг вэнян тилида топшириладиган давлат имтиҳонларининг бекор қилиниши бу жараённинг янада тезлашувига турки берган. Бундай давлат имтиҳонлари вэнян тилида ўтказилар, ундан муваффақиятли ўтганлар давлат лавозимларига тайинланар эди. Вэнян тилида ўтказиладиган имтиҳонлар бекор қилинган, ўз-ўзидан, бу тилнинг мавқеи тушиб кетган.³⁶

Байхуа тилида чоп этилган илк газеталар XIX аср охирларида дунё юзини кўрди. Ўша даврнинг айрим тилшунослари томонидан «қўпол адабиёт», «бачкана адабиёт» номи билан тилга олинган байхуа тили эндиликда

³⁵王力。《中国现代语法》。中华书局。北京，2014年，60页。

³⁶徐时仪。《汉语白话史》。北京大学出版社。2015年，283页。

публицистика соҳасига ҳам кириб борди. Бироқ бу даврга келиб вэнян тили, гарчи жамиятдаги мавқеини аста-секин бой бера бошлаган бўлса-да, ҳануз сиёсат, маъмурият, расмий мулоқот, таълим, иш юритиш тили ҳисобланар эди. 1911 йилдаги Синхай инқилоби ва 1919 йилда юз берган «4 май ҳаракат»лари вэнян тилидан воз кечилиб, байхуа тилига ўтиш, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бу тилдан фойдаланишга йўл очди. «4 май ҳаракат»и «五四白话文运动» («4 май байхуа ҳаракати») номи билан юритилди. Ушбу ҳаракат байхуа тилини амалиётга жорий этиш талабини илгари суришга қаратилган ҳаракат эди.

А.А.Торчиновнинг таъкидлашича, ушбу даврда «феодал» мероснинг бир қисми саналган вэнян тилига қарши чиқишлар юзага келди³⁷. Мана шундай зиддиятлар даврида 1915 йилда нашр этила бошлаган «新青年» Xīn qīngnián (Янги ёшлар) газетаси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу газетада, асосан, инқилобий позицияда турган муаллифларнинг ҳикоя ва публицистик мақолалари нашр этиларди.

1918 йилдан бошлаб байхуа тилида нашр қилинадиган «新青年» («Янги ёшлар») газетаси янги тиниш белгиларини қўллаган ҳолда чоп этила бошлади. Аммо мумтоз адабий ёзма ёдгорликлар матнларида тиниш белгиларининг қўлланиши масаласи алоҳида эътиборни талаб қиларди. Гарчи махсус пунктуацион белгилар бўлмаса-да, уларнинг функцияларини айрим иероглифлар бажарган. Масалан, вэнян тилида сўроқ гап 乎 ва 與 иероглифини гап охирига қўйиш билан ифодаланган³⁸.

Хитойда тил ислоҳоти билан бирга ёзув ислоҳотини ҳам амалга ошириш лозим эди. Шунингдек, ёзма анъанавий услубларни оғзаки нутқ билан уйғунлаштириш, умумхалқ тилининг меъёрий талаффузини шакллантириш ҳам кун тартибида турган муҳим масалалар эди. Тил ислоҳоти табиий равишда хитой иероглифик ёзуви масалаларини жиддий кўриб чиқишни тақозо этарди. Жоу Юйгуанг шу ташаббус билан бир қанча тавсия ва таклифларини ўртага ташлаган. У «Ёзув ислоҳоти» ёки «хитой иероглифларининг ислоҳоти» куйидаги жиҳатларни қамраб олишини қайд этган: «Ёзув» – иероглифларни соддалаштириш ва алифбо ёзувини киритиш ҳамда 普通话 путунгхуа – умумдавлат адабий тилни оммалаштириш³⁹.

Джоу Юйгуанг кўрсатиб ўтган вазифалардан бири алфавитли ёзувга ўтиш эди. Мазкур вазифани амалга ошириш бўйича Хитойда давлат миқёсида жуда катта ишлар амалга оширилди. Аввалига 1913 йилда илк алфавит 注音字母 яратилди, 1919 йилда эса у ёрдамчи ёзув сифатида муомалага киритилди. 1920 йилда 罗马字母 роман алфавити яратилди, 1930 йилда расман миллий алфавитнинг иккинчи шакли сифатида амалиёда қўллана бошлади. Аммо ёзув ислоҳотини амалга оширишда иероглифик ёзувни алфавитли ёзувга ўтказиш бўйича қилинган сай-ҳаракатлар ўз натижасини бермади. Бунга асосий сабаб

³⁷ Торчинов Е.А. Хайдеггер и традиционалистская мысль Китая XX века. http://anthropology.ru/ru/texts/torchin/heideast_07.html (дата обращения 12.11.11)

³⁸ Щичко В.Ф., Радус Л.А., Абдурахимов Л.Г. Курс лекций по истории китайского языка. – М., 2015. – С. 110.

³⁹ 周有光。《中国语文的现代化》//教育研究。1984年, 1号, 33-40页。.

Хитойда хан миллатидан ташқари бошқа миллатлар, уларнинг шевалари мавжуд эди. 1957 йилнинг 3 феввалида Бутунхитой халқ вакилларининг сессиясида 拼音字母 алфавити иероглифларни ўқишни осонлаштириш учун ёрдамчи восита сифатида қабул қилинди. 拼音字母 алфавитининг асосий вазифаси байхуа тилида ёзилган матнлар иероглифларига транскрипцияни акс эттиришдан иборат бўлди. Аммо яратилган алфавитларнинг биронтаси ҳам хитой тилида ёзувнинг автоном воситаси вазифасини эгаллай олмади.

Юқорида таърифлаб ўтилган икки алфавит хитой ёзувини транскрипцияда қайд этиш учун туртки бўлган. 1913 йилда яратилган 注音字母 алфавити 1919 йилдан ёрдамчи ёзув сифатида муомалага киритилди. Қарийб 40 йил давомида қўлланилган ушбу алфавитдан байхуа тилидаги манбаларни осон ўзлаштириш ва ўқишда фойдаланилган.

Кейинги босқичда Хитойда иероглифларни соддалаштириш бўйича сай-ҳаракатлар амалга оширилган. 1956-1958 йилларда анъанавий иероглифлар (繁体字) соддалашган ёзув шаклига (简体字) ўзгартирилган. Бунда жами 502 та иероглифнинг чизиклари ва калитлари, ён бўлаклари қисқартирилган усулда ёзиладиган бўлган⁴⁰.

Хуллас, Хитойда алфавит лойиҳасини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, алфавит ёзувига ўтиш ғояси самарасиз бўлган. Илк алфавитлар хитой тилининг полифоник хусусиятларини ўзида акс эттира олмагани учун кутилган натижани бермади. Шу боис улардан фақат иероглифларнинг ўқилишини осонлаштиришда фойдаланилган.

Бобнинг иккинчи бандида байхуа тили луғат таркибининг бойиш манбалари ўрганилган. XIX аср бошларига келиб байхуа тили роман ва ҳикоялар ёзиладиган соф адабий тил сифатида гавдалана бошлади. Бу тил мукамал замонавий ёзма тил сифатида шаклланиши учун унинг лексик қатлами, грамматик структураси, функционал-стилистик имкониятлари ҳам тараққий этиши лозим эди. Айниқса, байхуа тилининг лексик қатламини бойитиш, грамматик воситаларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ эди.

Хитой тили лексик қатлами, аввало, бу тилда кўплаб янги сўзларнинг ясалиши ҳисобига бойиб борган. Шу билан бирга, хитой тили лексик қатламининг бойиб боришига четдан сўз ўзлаштирилиши ҳам ижобий таъсир кўрсатган.

Хитой тилига четдан сўз ўзлаштириш усуллариининг ҳар хил белгиланиши тилшуносларнинг бу ҳодиса таҳлилига турлича ёндашувини кўрсатади. Жумладан, И.Т.Зограф сўз ўзлаштиришнинг қуйидаги турларини ажратган: 1) тўғридан-тўғри лексик ўзлашмалар; 2) калька усули; 3) семантик ўзлашмалар⁴¹.

Айрим тилшунослар хитой тилида сўз ўзлаштириш масаласи таҳлилида асосий эътиборларини калькаланиш усулига қаратишади. Дарҳақиқат, калька усулида сўз ҳосил қилиш хитой тили луғат таркибининг бойишида муҳим ўрин

⁴⁰ Щичко В.Ф., Радус Л.А., Абдурахимов Л.Г. Курс лекций по истории китайского языка. – М., 2015. – С. 108.

⁴¹ Зограф И.Т. Монгольско-китайская интерференция (язык монгольской концелярии в Китае). – М.: Наука, 1984. – С.38.

тутган. Хитойшунос олим В.В.Иванов ҳозирги хитой тили мисолида бу масалани ўрганиб, калькаларнинг қуйидаги турларини ажратган: 1) калькалар; 2) этимологик калькалар; 3) семантик калькалар⁴².

В.И.Горелов ҳам хитой тилида янги сўз ҳосил қилишнинг калькаланиш усулига алоҳида эътибор қаратган. У сўз ўзлаштиришнинг калька усулини «семантик ўзлаштириш» деб номлаб, бу усулда тилда янги сўзлар ҳосил бўлишини таъкидлаган⁴³.

Англашиладики, хитой тилининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда янги сўз ҳосил қилишда сўз ўзлаштиришнинг калькаланиш усули муҳим ўрин тутди.

Четдан ўзлаштирилган янги сўзларнинг тез суръатлар билан тарқалишида байхуа тилида чоп этилган даврий нашрлар, газеталар ҳам муҳим ўрин тутди.

1918 йилда Уси шаҳрида илк бор «无锡白话报» («Уси байхуа газетаси») нашр қилинди. Ундан сўнг «苏州白话报» («Суджоу байхуа газетаси»), «新青年» («Янги ёшлар») деб номланган байхуа тилидаги бир қанча нашрлар юзага келди.

Ушбу газета материаллари асосида вэнян ва байхуа тиллари лексикасини қиёсий таҳлил қилган хитойлик тилшунос 杨学彬 Янг Сюебиннинг қайд этишича, газета матнларида икки бўғинли сўзларнинг қўлланиш частотаси бир бўғинли сўзларникига қараганда анча юқори бўлган. Жумладан, 500 та от туркумига мансуб бирликнинг вэнян ва байхуа тилларида қўлланилиш нисбати ўрганилганда вэнян тилида бир бўғинли отларнинг байхуа тилига нисбатан 15,80%га кўплиги аниқланган. Феълларнинг нисбатига кўра вэнян тилида бир бўғинли феълларнинг қўлланиш частотаси юқори, байхуа тилида эса бир бўғинли ва икки бўғинли феълларнинг нисбати тенг кўрсаткичга эгаллиги кузатилган⁴⁴.

Чинг сулоласидан сўнг 1918 йилдан Пекинда маҳаллий тижорат газетаси «北京白话报» («Пекин байхуа газетаси») нашр этила бошлаган. Ушбу газетада илк бор тиниш белгилари қўлланган.

Шуниси характерлики, даврий нашрлар орқали хитой тилига ғарб тилларидан нафақат лексик бирликлар, балки кўплаб ўзлашма аффикслар ҳам кириб келган. Хусусан, хитой тилига 洋, 西, 电, 感, 作用, 主义, 学, 机, 化, 家, 业 аффикслари ўзлашган⁴⁵. Ушбу аффикслар маълум соҳа терминларининг ясалишида қўлланилган. Масалан, 洋 аффикси (洋 иероглифининг асл луғавий маъноси – «океан; хорижий») европа тилларидан ўзлашган от сўз туркумидаги сўзларда префикс вазифасида қўлланилган. Бу аффикс 洋针 (тўғноғич), 洋伞 (соябон), 洋胰子(совун), 洋白菜 (карам, оқ бош карам), 洋纸 (қоғоз) каби сўзлар таркибида келади.

⁴² Иванов И.И. Терминология и заимствования в современном китайском языке. – М.: Наука, 1978. – С. 118.

⁴³ Горелов В.И. Лексикология китайского языка. – М., 1978. – С.114.

⁴⁴ 杨学彬. 《新青年》文言文与白话文词汇对比研究. 河北大学, 2016 // <https://kns.cnki.net/>

⁴⁵ Тадқиқотда ушбу иероглифлар шартли равишда *аффикс* деб қабул қилинди. Чунки бу иероглифлар баъзан луғавий маъносини йўқотиб, сўз ясади, баъзан луғавий маъносини сақлаб қолади.

Шундай қилиб, байхуа тили лексикасининг бойишига бу тилда кўплаб янги сўзларнинг ясалиши, четдан сўз ўзлаштириш, хориж илмий, адабий манбаларининг таржима қилиниши натижасида тиббиёт, кимё, психология фанларига оид янги терминларнинг кириб келиши ўз таъсирини кўрсатди.

Бобнинг учинчи бандида байхуа тили лексик бирликларининг синтактик конструкцияларни ҳосил қилиши ва бу жараёнда маъносида рўй берган ўзгаришлар таҳлил қилинган. Байхуа тилида қатор лексик бирликларнинг синтактик конструкция ҳосил қилишда қатнашиши кузатилади. Масалан, байхуа тилида ёзилган матнларда —...就, 先...次后, 先...再, 先...接着 синтактик конструкциялари учрайди. Бобнинг ушбу бўлимида ... , 反而 (... аксинча); ... , 却 (... , аксинча); 不拣...也, 不拣...只 (нима /ким; қандай бўлишидан қатъий назар, нима/ ким; қандай бўлганда ҳам) ва бошқа синтактик конструкциялар ҳам таҳлил қилинган, уларнинг таркибидаги сўзларнинг ўз маъносини йўқотиб, грамматик маъно ифодалашга хосланиши ёритилган.

Диссертациянинг «Ўтиш даври» байхуа тилининг лексик-грамматик хусусиятлари (Лао Шэ асарлари мисолида)» деб номланган учинчи бобда байхуа тилининг ривожиди Лао Шэ асарларининг аҳамияти, асар тилининг лексик-грамматик таҳлили, Лао Шэ асарларида қўлланган фразеологизмларнинг семантик хусусиятлари ўрганилган. Бобнинг биринчи бандида Лао Шэ асарлари тилининг лексик-семантик хусусиятлари ёритилган.

Лао Шэнинг «Сянги Туя» асарида қўлланган жами 88890 иероглифни таҳлил қилиш орқали лексик-семантик гуруҳга мансуб куйидаги бирликлар ажратилди:

Киши номларини билдирувчи сўзлар. Романда 7 та киши номларини билдирувчи атоқли отлар қўлланган: 祥子 (Сянгдзи), 虎妞 (Ху Ниу), 黄盖 (Хуанг Гай), 刘四爷 (Лю Си-е), 小福子 (Сяо Фузэ), 张献忠 (Джанг Сянжунг), 周瑜 (Джоу Юй).

Сянгдзи асарнинг бош қаҳрамониға қўйилган ном бўлиб, куйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган: 祥 «хайрли белги» маъносини англатади; 子 иероглифи «ўғил, бола, фарзанд» каби маъноларни ифодалайди.

Ху Ниу номидаги биринчи иероглиф 虎 «йўлбарс» маъносини англатади, 妞 иероглифи эса ёш қизчаларға нисбатан қўлланиладиган сўз ҳисобланади. Ху Ниу – бой амалдорнинг тарбияси оғир эрка қизига қўйилган ном. Ёзувчи бу қизнинг характерини очиб бериш учун унга айнан шу номни танлангани бежиз эмас. Тадқиқотда ҳар бир киши номлари шу тариқа лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қилинган.

Лақабни билдирувчи сўзлар. Адиб лақаблар (жами 5 та) воситасида асар қаҳрамонларининг характерини очиб беришға муваффақ бўлган. Масалан, адиб Сянгдзи исмли йигитға нисбатан 骆驼 (туя) лақабини қўллаган.

Шахсларни билдирувчи сўзлар. Романда бу турға мансуб 38 та бирлик қўлланган. Улар амалдорларға ва хизматкор (паст табақа вакиллари)ға нисбатан қўлланувчи сўзлардир.

Романда **先生** (*жаноб*) сўзи 210 марта учрайди. Ушбу сўз, асосан, ижтимоий мавқега эга бўлган зиёли эркакларга нисбатан қўлланилган. Мазкур сўзнинг таркибий қисмлари қуйидаги маъноларни англатади: биринчи иероглиф «*олдинда юрувчи*» маъноси, иккинчи иероглиф «*ўқувчи*»; «*одам*» маъноларини англатади. Илгари хитойликлар ушбу сўзни, асосан, табиб, фолбин, ўқитувчиларга нисбатан қўллашган. Ҳозирги кунда ҳам бу сўз мавқеи баланд, зиёли эркакларга нисбатан мурожаат шаклида ишлатилади. Мурожаатда, аввало, шахснинг фамилияси, сўнгра ушбу сўз бирга келади⁴⁶.

Транспорт воситасини билдирувчи сўзлар. Асарда бу гуруҳга оид 14 та лексик бирлик қўлланган. Айниқса, 车 (арава; машина; транспорт) иероглифининг асарда такрорланиш частотаси (842 ўринда учрайди) жуда юқори. Ушбу иероглиф пиктографик туркумга мансуб бўлиб, «арава» маъносини англатади.

Диссертацияда 火车 (поезд), 电车 (трамвай), 车马 (арава судровчи от), 棉车 (юмшоқ ўриндиқли арава), 脚踏车 (оёқ босиш билан ҳаракатланувчи улов, велосипед) каби қатор қўшма сўзларнинг бадиий матнда қўлланиш хусусиятлари ҳам ёритилган.

Ҳисоб сўзлар. Асар матнида 6 ўринда байхуа тилига хос бўлган ҳисоб сўзлар учрайди. Булар: 一程子 – вақтга нисбатан ҳисобни билдирувчи сўз; 一通儿 – иш-ҳаракат миқдорига нисбатан ҳисоб сўз; 一钉点 – майда нарса-буюмлар ҳисоби учун қўлланиладиган сўз; 一卖 – таом миқдорига нисбатан ҳисобни англатувчи сўз. Шуниси характерлики, бу ҳисоб сўзлар вэнян тилида ҳам, путунгхуа тилида ҳам учрамайди. Улар фақат байхуага хос ҳисоб сўзлардир.

Маросим ва у билан боғлиқ тушунчаларни англатувчи сўзлар. Лао Шэнинг «Сянги Туя» номли романида бу гуруҳга мансуб сўзлар 27 ўринда учрайди. Булар: 喜事 (*тўй*), 喜棚 (*келин-куёв учун чодир*), 花轿 (*келинни олиб келиш учун тахтиравон*), 喜轿铺 (*келин учун тахтиравон*) 满天星 (*тахтиравон*) ва бошқалар.

Мазкур лексик бирликларда 喜 хі иероглифининг қўлланиш частотаси юқори бўлиб, 86 ўринда учрайди. Бу сўз *бахт*, *барака*, *қувонч* маъноларини англатувчи сўз ҳисобланади.

Таҳлиллардан кўринадики, байхуа тилига мансуб лексик бирликлар, асосан, полисиллаб характерда. Бу хусусият байхуа тилини вэнян тилидан кескин фарқловчи белгидир.

Статистик маълумотларга кўра, Лао Шэнинг “Сянги Туя” номли асарида жами 88890 та иероглиф қўлланган. От сўз туркумига мансуб сўзлар 1655 та ни ташкил этади. Шундан бир бўғинли от туркумига мансуб сўзлар 202 та, икки бўғинли от туркумига мансуб сўзлар 1164 та, уч бўғинли сўзлар 253 та, тўрт ва ундан ортиқ бўғинли от туркумига мансуб сўзлар 36 та ни ташкил этади. Кўринадики, асарда қўлланган от туркумига оид сўзлар ичида икки бўғинли отлар миқдор жиҳатидан устуворликка эга.

⁴⁶现代汉语词典·商务印书馆·北京·2013年。1408页

Бобнинг иккинчи бандида Лао Шэ асарларида қўлланган фразеологизмларнинг семантик хусусиятлари ёритилган. Хитой ёзувчиси Лао Шэ асарларида фразеологик бирликлар салмоқли ўринни эгаллайди. Адиб фразеологизмлар ёрдамида асарнинг бадиий эстетик қимматини янада оширишга муваффақ бўлган. Унинг асарларида қўлланган фразеологизмлар уч ва тўрт иероглифдан ташкил топиб, асосан, персонаж ҳолатини кўрсатишга хизмат қилган. Масалан: 大家都受了一天的热, 红着眼珠, 没有好脾气; 肚子又饿, 更个个急叉白脸⁴⁷. (Ҳамма анча исиб, кўзлар қизариб, кайфият ҳам бўлмай, қорин очиб, янада ташвишга тушишган эди).

Ушбу гапда қўлланган 急叉白脸 фразеологизми «ташвишга тушмоқ; саросимага тушмоқ» маъносини ифодалаган. Мазкур фразеологизмнинг маъноси (成语 成语) путунгхуа тилида 急赤白脸 бирлиги орқали ифодаланади ва «тайёр ибора», яъни идиомаларга тўғри келади.

Байхуа тилидаги фразеологик бирликлар сирасида ўша давр сўзлашув нутқи меъёрлари асосида яратилган «одатий иборалар» – 惯用语 гуанюнгюйлар сезиларли ўрин эгаллайди. Ушбу фразеологик бирликлар бутунлай кўчма маънога эга бўлиб, таъсирчанлиги, жонлилиги, лўндалиги билан ажралиб туради. Уларнинг вужудга келишидаги энг муҳим манба, шубҳасиз, жонли сўзлашув тилидир⁴⁸.

Лао Шэнинг «Сянгдзи Туя» асарида ҳам бу каби фразеологик бирликларнинг кенг қўлланилганлиги кузатилади. Масалан, 犯牛劲儿 (путунгхуа тилида 犯牛劲) фразеологизми «икки оёғини бир этикка тикиб олмоқ», яъни қайсарлик қилмоқ маъносини англатади. Мазкур ибора эризацияга учраган. Масалан: 得, 明儿见, 甬犯牛劲, 我是直心眼, 有一句说一句⁴⁹. (Бўпти, эртагача, икки оёғингни бир этикка тикиб ўжарлик қилма, мен тўғриси айтидиган одамман, нима гап бўлса, борини айтаман). Ушбу гапда байхуа тили хусусиятларини акс эттирувчи бир қанча жиҳатларни кўриш мумкин: 得 dé морфемаси ундалма сифатида қўлланилса, розилик ёки мамнунликни ифодалайди, 明儿 mínger 明天(эртага) сўзининг эризациялашган шакли, 甬 bing инкор равиши ва 有...就... конструкцияси мавжуд.

Ҳозирги хитой тилида чала иборага ўхшаш «歇后语» «сиехоуоу» деб аталувчи фразеологик бирликлар ҳам мавжуд. Улар оддий фразеологик бирликлардан фарқ қилувчи ўзига хос шаклга эга. 歇后语 сиехоуоу таркибига кўра икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида, одатда, киноя ифодаланади, иккинчи қисмида эса киноянинг мазмун-моҳияти очиб берилади. Лао Шэнинг «Сянгдзи Туя» асарида ҳам бир қанча 歇后语 сиехоуоу учрайди. Масалан: 正当这个工夫, 一个车夫又指着他的脸说: »祥子, 我说你呢, 你才真是‘哑吧吃扁食——心里有数儿’呢。是不是, 你自己说, 祥子? 祥子⁵⁰. (Айни шу вақтда бу

⁴⁷老舍。《骆驼祥子》。北京：人民教育出版社，2017年.6.第206页。

⁴⁸Ветров П.П. Фразеология современного китайского языка. Синтаксис и стилистика. – М.: Восточная книга, 2007. – С.20.

⁴⁹老舍。《骆驼祥子》。北京：人民教育出版社，2017年.6.第62页。

⁵⁰老舍。《骆驼祥子》。北京：人民教育出版社，2017年.6.第125页。

ишчи, бир аравахи унинг юзига ишора қилиб: «Сянгдзи, мана сени айтаман, сен ростанам жуда зийраксан, ҳаммасини сезиб, билиб турасан-да. Шундайми? Ўзинг айт-чи, Сянгдзи, шундайми?»).

Мазкур гапдаги фразеологик бирлик 哑巴吃扁食—心里有数儿 ҳам 歇后语 сиехоуюйга мисол бўла олади. Фразеологизмнинг мазмун моҳияти қуйидагича; биринчи 哑巴吃扁食 компоненти ўзбек тилига «соқов чучвара ейди» тарзида сўзма-сўз таржима қилинади. Иккинчи қисмида эса маъно янада теранлашади. 心里有数儿 сўзма-сўз таржимада «юрагида саноғи (ҳисоби) бор» маъносини англатади. Демак, «ҳамма нарсага эътибор бермоқ; зийрак бўлмоқ» маъноси ушбу фразеологизм орқали ифодаланган.

Лао Шэ асарларида қўлланган фразеологик бирликлар таҳлили шуни кўрсатадики, хитой-байхуа тилида ҳам фразеологик бирликларнинг маъноси улар таркибидаги сўзларга хос лексик маъноларнинг оддий йиғиндиси бўлмай, балки кўчма маънога асосланган яхлит маъно сифатида гавдаланади.

Лао Шэнинг байхуа тилидаги асарларининг аксарияти Пекин шеvasида ёзилган. Характерли жиҳати шундаки, бу асарларда эризация ҳодисаси кўп кузатилади. Эризация оғзаки нутққа хос бўлган лингвистик ҳодиса бўлиб,⁵¹ бунда сўз бўғини охирига 儿 er морфемаси қўшилади ва эризация натижасида сўзнинг маъноси ўзгаради ёки эмоционаллик (эркалаш, кичрайтириш)ни ифодалайди. Бундан ташқари сўзга оғзаки нутқ колорити ҳам қўшилади⁵².

Лао Шэнинг «Сянгдзи Туя» асарида қўлланган сўзларда ҳам кўрсатилган бу хусусиятлар намоён бўлади. Сўз эризацияга учрагандан сўнг янги сўз ҳосил бўлиб, мажозий маъноларни ифодалаши мумкин. Баъзи ҳолларда сўзнинг сигнификатив⁵³ маъноси ўзгаради. Масалан: 大英帝国的烟, 日本的»白面儿», 两大强国侍候着我一个人, 这点福气还小吗⁵⁴? (*Инглиз империясининг тамакиси, Япония «оқ кукуни»си, икки буюк давлат мени кутмоқда, бундай бахтни ўзи камми?*)

Ушбу гапда қўлланган 白面儿 сўзининг семантикасига эътибор қаратамиз. 白面 сўзи «оқ бугдой уни» маъносини англатади, 儿 суффиксал морфемаси қўшилганда сўзнинг семантик маъноси буткул ўзгариб кетади ва 白面儿, яъни «героин, қора дори» маъносини ифодалайди⁵⁵.

«Сянгдзи Туя» асарида қўлланган феъллар бир, икки ёки уч бўғинли феъллардир. Бундай феъллардан кейин иш-ҳаракатнинг содир этилганлигини кўрсатувчи 了 le ёрдамчи морфемаси ва 啦 la юкламаси қўлланилиши мумкин. 了 le морфемаси қатор грамматик хусусиятларга эга. Масалан, 动态助词 динамик ёрдамчи сўз вазифасида феълдан кейин келади. Тўлдирувчидан олдин келса, иш-ҳаракатнинг тугалланганлиги ёки амалга ошганлигини ифодалайди.

51 赵丽娟. 关于老舍《茶馆》的语言词汇分析. 张家口广播电视大学. 2012年, 182页 // China Academic Journal Electronic Publishing House. C.1994-2018 http|| www.cnki.net

52 王文征. 《老舍作品中的北京方言词语》//文化学刊. 【语言与文化】. 2018年11月, 第1期.

53 Сўзнинг сигнификатив маъноси бу – сўзнинг тушунчани ифодалашидир.

⁵⁴老舍. 《茶馆》. 第二章.

⁵⁵ 赵文菲. 《老舍作品中的北京方言词语的类型和特点》. 天津大学. 2014年, 32页. // 1994-2020 China Academic Journal Electronic Publishing House. http|| www.cnki.net

Масалан: 八点多就开了饭, 车夫们都有点不愿意⁵⁶。 *Соат 8 дан ўтганда овқат берди, извошчилар ҳаммаси унча хоҳлашмади.*

Асарда 了 le морфемаси жами 2190 ўринда учрайди, 啦 la тарзида қўлланиши эса 40 ўринда кузатилади. Масалан: 啊! 骆驼出西口没什么险啦吧⁵⁷? *Ҳай, Туя зарбий эшикдан чиқса, ҳеч қандай хавф бўлмайдими?*

«Сянгдзи Туя» асарида феълларнинг «А 来 А 去» ҳамда «А 来 В 去» қолипида кўп такрорланиши кузатилади. Ушбу қолипга тушган феъллар орқали иш-ҳаракатнинг тўхтовсиз давом этиши ёки қайта-қайта такрорланиши грамматик маъноси ифодаланади. Хитой тилшунослигида бу ҳодиса 四字短语, яъни тўрт иероглифли бирикма деб юритилади. Масалан: 想来想去, 她只有一条路可走: 贱卖⁵⁸. *Ўйлай-ўйлай, фақат бир йўл борлиги: арзон-гаровга сотиб юбориш кераклигини тушунди.*

Ушбу гапда иш-ҳаракатнинг узлуксиз давом этиши акс этган. Лао Шэ асарларида «А 来 А 去» ҳамда «А 来 В 去» қолипидаги феълларни кўплаб учратиш мумкин.

Лао Шэ томонидан қўлланган сифатлар, асосан, икки ва тўрт бўғинли полисиллабикдир. Асарда икки бўғинли сифатлар нисбатан кам ишлатилган. Уларга қуйидаги сифатлар мансуб: 瓷实 (бақувват; мустаҳкам), 刺闹 (қитмир), 搭调 (мос), 活便 (жонли; эпчил), 腻烦 (зерикарли), 热火 (хушмуомала; дўстона), 软和 (мулойим), 邪行 (ажойиб), 新新 (ғайриоддий; ғалати) ва бошқалар.

«Сянгдзи Туя» асарида уч ва ундан кўп бўғинли сифатлар аксарият ҳолларда бирон шахснинг белги-хусусиятини акс эттириш учун қўлланган. Масалан, 笨手八脚 «беўхшов, бесўнақай» маъносини англатувчи сифат путунгхуа тилида 笨手笨脚 тарзида ифодаланади.

Асарда қўлланган 人模狗样 (хийлакор), 精湿烂滑; 晕头打脑 (ақли ноқис), 晕晕忽忽 сифатлари шахсга нисбатан «аҳмоқ» маъносида; 神眉鬼道儿 сифати эса «махмадона» маъносида келган.

Диссертацияда Лао Шэнинг «Сянгдзи Туя» асарида қўлланилган байхуа тилига мансуб олмош, равиш турлари, ҳисоб сўзлар ҳамда айрим тақлид сўзларнинг қўлланиш хусусиятлари ҳам ёритилган.

ХУЛОСА

1. Эрамиздан аввалги III асрдан бошлаб байхуа тилида ёзилган манбалар мумтоз адабий тил вэняндан матнлардан фарқли равишда лексик бирликлар ифодаланишига кўра байхуа тилида ёзиб қолдирилган бир қатор адабий ёзма манбалар: бянвенлар, хуабен ва пингхуалар, юйлу, джугонгдяолар, задзюйлар қадимги байхуа манбалари сифатида эътироф этилган.

2. Тасниф этилган манбаларнинг таҳлилига кўра, хитойлик тилшунос Сюй Ши-и томонидан тақлиф этилган байхуа тилининг шаклланиши ва тараққиёт

56老舍。《骆驼祥子》。北京：人民教育出版社，2017年.6.第125页。

57老舍。《骆驼祥子》。北京：人民教育出版社，2017年.6.第25页。

58老舍。《骆驼祥子》。北京：人民教育出版社，2017年.6.第166页。

даврини қуйидагича даврлаштириш мақсадга мувофиқ: вужудга келиш даври – эрамиздан аввалги 207 йилдан эрамизнинг 618 йилигача бўлган давр; ривожланиш даври – 618 йилдан 1368 йилгача бўлган давр; етук даври – 1368 йилдан 1911 йилгача бўлган давр. Бироқ, Сую Ши-и хитой тилшунослигида муҳим аҳамиятга эга бўлган «ўтиш даври»ни, яъни 1919 йилда байхуага ўтиш, 1955 йилда эса Хитой Халқ Республикасининг расмий адабий тили путунгхуага ўтилгунга қадар бўлган даврни киритмаган. Мазкур диссертацияда хитой тилшунослигида кульминацион давр ҳисобланган «ўтиш даври» термини муомалага киритилди.

3. Байхуа тили Сунг сулоласи давридан хитой халқ адабиёти тили сифатида қўлланилиб, келгусида ёзма адабиётнинг ривожланишига асос бўлган. XIV асрга келиб, пинхуа жанри негизида шаклланган, байхуа тилида ёзилган «水浒传» («Дарё ўзанлари»), «三国» («Уч шоҳлик»), «西游记» («Ғарбга саёҳат»), «红楼梦» («Қизил кўшқдаги туш») каби дурдона асарлар дунё юзини кўрди ва ҳозирги хитой тили лексикаси ва грамматикасининг яратилишида далилий манба вазифасини ўтади. Мазкур асарларда моносиллаб лексик бирликлардан кўра полисиллаб лексик бирликлар кенг қўлланган. Мазкур романларда маълум шевага хос лексик бирликлар қўлланган.

4. XIX аср бошларига келиб вэнян тилининг ўрнини байхуа тили эгаллай бошлади. Чин сулоласи даври сўнгида байхуа тили публицистика соҳасига кириб борди. Даврий нашрлар вэнян тилидан фарқли равишда анча содда ва халққа тушунарли бўлган тилда нашр этила бошлади. Ўрта асрлардан бошлаб то XX аср бошларига қадар Хитойда вэнян ва байхуа тиллари тенг муомалада бўлди.

5. 1919 йил «4 май ҳаракати»дан то 1955 йилда путунгхуа тилига ўтилгунга қадар бўлган вақт мобайнида хитой тилшунослиги «ўтиш даври»ни бошидан кечирди. Бу даврда тил ва ёзувда катта ислохотлар амалга оширилди. Бир неча фонетик алифболарнинг қабул қилиниши, ёзувда иероглифларнинг соддалаштирилиши, диалектология фанига асос солиниши, газеталарда илк бор тиниш белгиларининг қўлланилиши ушбу қисқа, лекин сермахсул даврнинг амалий аҳамиятини белгилаб берди.

6. Хитойда алфавит лойиҳасини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, алфавит ёзувига ўтиш ғояси самарасиз бўлган. Илк алфавитлар хитой тилининг полифоник хусусиятларини ўзида акс эттира олмагани учун қутилган натижани бермаган. Шу боис улардан фақат иероглифларнинг ўқилишини осонлаштиришда фойдаланилган.

7. Байхуа тили лексикасининг бойишига бу тилда кўплаб янги сўзларнинг ясалиши, четдан сўз ўзлаштириш, хориж илмий, адабий манбаларининг таржима қилиниши натижасида тиббиёт, кимё, психология фанларига оид янги терминларнинг кириб келиши ўз таъсирини кўрсатди.

8. «Ўтиш даври»да Хитойда байхуа тилида энг оммабоп ва сермазмун асарлар яратган ёзувчилардан бири Лао Шэ ҳисобланади. Лао Шэ асарлари таҳлили асосида байхуа тилига хос бўлган қуйидаги хусусиятларни умумлаштириш мумкин: 1) XX аср бошларидаги хитой-байхуа тили шева

материалларига бой; 2) Пекин шевасида эризация ҳодисаси кузатилади; 3) хитой-байхуа тилида, асосан, от, сифат, феъл, олмош, равиш туркумига оид сўзлар эризацияга учрайди.

9. Байхуа тилидаги фразеологик бирликлар сирасида ўша давр сўзлашув нутқи меъёрлари асосида яратилган «одатий иборалар» – 惯用语 гуанюнгюйлар сезиларли ўрин эгаллайди. Ушбу фразеологик бирликлар бутунлай кўчма маънога эга бўлиб, таъсирчанлиги, жонлилиги, лўндалиги билан ажралиб туради.

10. Ҳозирги хитой тилида чала иборага ўхшаш «歇后语» «сиехоуяй» деб аталувчи фразеологик бирликлар ҳам мавжуд. Улар таркибига кўра икки қисмдан иборат: биринчи қисмида, одатда, киноя ифодаланади, иккинчи қисмида эса киноянинг мазмун-моҳияти очиб берилади.

11. Хитой тилидаги 成语 ченгюй, 惯用语 гуанюнгюй, 歇后语 сиехоуяй каби фразеологик бирликларнинг ҳосила маъноси бирикмалар таркибидаги сўзлар маъносидан келиб чиқмаслиги ҳақидаги мулоҳаза фақат улардан англашилган маъносига тегишли бўлиб, ҳар икки ҳолатда ҳам ҳосила гапда бир вазифани бажаради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

ХАСАНОВА ФЕРУЗА МИРЗАБЕКОВНА

**ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ И ГРАММАТИЧЕСКИЕ
ОСОБЕННОСТИ КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА БАЙХУА**

10.00.05 – Языки и литература народов Азии и Африки

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована за номером В2020.2.PhD/Fil1295 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете востоковедения.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tsuos.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Каримов Акрамжан Абильевич
кандидат филологических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Садиков Касимжон Пазилович
доктор филологических наук, профессор

Насирова Саодат Абдуллаевна
доктор филологических наук, доцент

Ведущая организация:

Самаркандский государственный институт иностранных языков

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Tag.21.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном университете востоковедения. (Адрес: 100047, г.Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета востоковедения (зарегистрирована за номером ___). (Адрес: 100047, г.Ташкент, ул.Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.

(Протокол реестра рассылки № ___ от «___» _____ 2021 года).

А.М. Маннонов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.филол.наук, профессор

Р.А. Алимухамедов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.филол.наук.

Х.З. Алимова

Председатель научного семинара принаучном совете по присуждению ученых степеней, д.филол.наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом языкознании сегодня изучение языка на основе принципов диахронии и синхронии обозначается актуальной задачей. История китайского языка насчитывает почти сорок веков, и две ветви одного и того же языка, вэньянь и байхуа, переживают периоды постепенного развития. Изменения связанные с китайской грамматикой, лексикой и фонетикой, вызывают много споров и теперь имеют большое практическое значение.

В мировом языкознании историческое развитие вэньяня изучается с разных ракурсов. Сегодня выяснилось, что существуют вопросы в изучении не только грамматической структуры языков вэньянь и байхуа, но и в изучении их методологических, семантико-прагматических, лингвокультурных, когнитивно-концептуальных особенностей. Эти исследования показывают, что все еще существует теоретический пробел в лексико-грамматическом формировании байхуа, диахронических аспектах его развития.

В новую эпоху масштабных реформ в нашей стране особое внимание уделяется преподаванию иностранных языков. В связи с этим, наряду с западными языками, растет интерес к восточным языкам. Всесторонние отношения между Узбекистаном и Китайской Народной Республикой развиваются и выходят на новый уровень. В этой связи знаменательным событием стал официальный визит Президента Республики Узбекистан в Китайскую Народную Республику в мае 2017 года. В ходе визита были обсуждены вопросы взаимного сотрудничества в области науки, образования и культуры между двумя странами. Президент отметил, что дружественные связи КНР с узбекским народом являются важным звеном для изучения языка и культуры обеих стран. В связи с этим необходимость в подготовке высококвалифицированных специалистов китайского языка и переводчиков в Узбекистане поднимается на новый уровень, и все большую актуальность приобретают разносторонние научные исследования в области китайского языка. Ведь, «Дальнейшее повышение научного потенциала, расширение масштаба подготовки научных и научно-педагогических кадров является самыми важными вопросами»¹. В частности, на повестку дня ставится необходимость более глубокого изучения развития всесторонних экономических, социальных, культурных, политических и научных связей между нашей страной и КНР.. Диахроническое изучение в монографическом плане китайского языка байхуа, его эволюционное развитие, исследование его функциональных особенностей, факторов обогащения, выявление лексико-семантических и грамматических особенностей китайского языка байхуа определяется востребованностью диссертации.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» за № ПП-1875 от 3 сентября 2012 года, «О создании

¹ Обращение Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева к Олий Маджлису о важнейших приоритетных задачах, намеченных в 2019 году. www.uza.uz. 28-12-2018.

факультета китаеведения в составе Ташкентского государственного института востоковедения» за № ПП-2228 от 3 сентября 2014 года, «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» за № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года, «О мерах по коренному совершенствованию системы обучения и повышению научный потенциал в области востоковедения» за № ПП-4680 от 16 апреля 2020 года, «О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан» за № ПП-5117 от 19 мая 2021 года, а также Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по эффективной организации популяризации изучения иностранных языков» за № 312 от 19 мая 2021 года и других нормативных правовых актов.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование проведено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-образовательном развитии информатизированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Вопросы, связанные с развитием китайского языка и его периодизации, в китайском языкознании, были рассмотрены в работах известных китайских лингвистов Ван Ли, Люй Шусян, Сюй Ши-и, Ху Чжу-ань, Цзян Лань-шэнь, Чжу Цин-цзи, Ху Ши и др.². Надо признать, что существуют исследования в области китайского языкознания, которые в той или иной степени связаны с языком байхуа и его историей. Обращают на себя внимание научные исследования Ван Ли (1980), Ху Джу-ань (1983), Цзян Ляньшэн (2000), Сюй Ши-и (2015) посвященные анализу этого вопроса. В частности, по мнению Ху Джу-ань, древний китайский язык включает в себя не только вэньянь, но и байхуа; отмечается, что у разных лингвистов критерии периодизации языков вэньянь и байхуа не совпадают. Некоторые считают, что следует опираться на лексико-семантические критерии³ и выделять этапы согласно изменениям в составе слов. Другие, например Цзян Лянь-шэн в монографии «Размышления о древнем байхуа» высказывают мнение, что неправильно делить историю китайского языка на два периода: до «движения 4 мая» 1919 года – древнекитайский язык, период после «движения 4 мая» 1919 года – современный китайский язык⁴. В работе Люй Шусян «Очерки китайской грамматики» отмечалось, что «языковые изменения определенного периода можно обнаружить по языку письменных источников, и что в каждый период в обращении был «свой, особенный» язык, при этом указывается что письменные памятники языка вэньян и памятники, называемые «白话文

²王力。汉语史稿。上册。中华书局，1980年；吕叔湘。《中国文法要略》，吕叔湘《语文论集》，商务印书馆，1983年；胡竹安。《中古白话及其训诂的研究》。《天津师范大学学报》，1983年；江蓝生。《古代白话略》，语文出版社，2000年；朱庆之。中古汉语研究。商务印书馆。北京。2005年。；徐时仪。《汉语白话史》。北京大学出版社，2015年。

³胡竹安。《中古白话及其训诂的研究》。《天津师范大学学报》，1983年。

⁴江蓝生。《古代白话略》，语文出版社，2000年。

байхуавэнь – «..., используемый широкими массами»⁵ кардинально отличались друг от друга.

В мировой лингвистике научные исследования, посвященные лексике, грамматике, терминологии и другим вопросам китайского литературного и разговорного языка проводились не только китайскими лингвистами, но и известными зарубежными и отечественными синологами. В частности, такими, как Бернхард Карлгрэн, Анри Поль Гастон Масперо, А.А.Драгунов, И.Т.Зограф, И.С.Гуревич, С.Е.Яхонтов, Л.К.Павловская, Д.А.Карпека, Д.Н.Воскресенский⁶ и др., в узбекском китаеведении – М.Х.Махмудходжаев, А.А.Каримов, И.Н.Бекмуратов, Ш.И.Шозамонов, Ж.Т.Зиямухамедов, С.А.Насирова, С.А.Хашимова, С.Т.Мустафаева, О.М.Очилов⁷ и др.

Понятно, что при периодизации китайского, наряду с вэньянем, следует учитывать и язык байхуа. Подобно языку вэньян, важную роль в периодизации древнекитайского языка играет и язык байхуа. Следует учесть, что в древнем Китае в течение долгого времени классический литературный язык вэньян и язык повседневного общения байхуа одновременно находились в обращении. Источники, написанные на этих языках, радикально отличаются лексически, грамматически и стилистически, что подтверждает важность изучения вопроса периодизации языка байхуа.

